

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

O'ZBEKISTON ARMIIYASI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY, AXBOROT-TAHLILIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK JURNALI

2018, IYUN, №2 (14)

МУДОФАА ДОКТРИНАСИ

ҲАРБИЙ-МАЪМУРИЙ СЕКТОРЛАР:
мақсад, режа ва истиқбол

ИННОВАЦИЯ
янгича ёндашув

КОНЦЕПЦИЯ

ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлайди



МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий,
маънавий-маърифий,
ҳарбий-ваганпарварлик журнали

Таҳририят кенгаши:

полковник Азизбек Икромов
Муҳаммад Али
Иқболжон Мирзаалиев
полковник Хомиджон Дадабоев
полковник Максуд Абилов
подполковник Собиржон Абдурайимов

Бош муҳаррир:

полковник Алижон Сафаров
подполковник Фурқат Эргашев
(бош муҳаррир ўринбосари)
подполковник Тўлқин Жуманазаров
(масъул котиб)

лейтенант Азиз Норкулов
(шу сонга масъул)

Зухриддин Ҳошимов
(дизайнер)

Сайёра Мелиқўзиева
(мусаххих)

Журнал 2014 йил 20 ноябрда Ўзбекистон
Магбуот ва ахборот агентлигида 0840-сонли
гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2015 йил март ойдан чиқа бошлаган.
«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида чоп
этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси,
100-уй.

Адади: 18076 нусха. Буюртма № 319
Баҳоси келишилган нарҳда.

Босмахонага 2018 йил 18 июнда топширилди.
Босишга 2018 йил 19 июнда руҳсат берилди.

Журналдаги мақолалардан тўлиқ ёки қисман
фойдаланилганда «O‘ZBEKISTON ARMIYASI»
журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан
фарқ қилиши мумкин.

ISSN 2181 – 8169

Обуна индекси: 1273

Таҳририят манзили: Тошкент вилояти,
Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй.

Телефон: 260-36-50; факс: 260-32-29

E-mail: vatan@evo.uz

МУНДАРИЖА

Капитан Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

Ҳарбий-маъмурий секторлар:
мақсад, режа ва истиқбол **3**

Подполковник Шавкатжон АБДУЛЛАЕВ

Устувор тамойилларга таянган ҳужжат **7**

Майор Аҳрор ОЧИЛОВ

Инновация **10**

И. ҚУРБОНОВ

Концепция ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлайди **16**

Подполковник Собиржон АБУРАЙИМОВ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотида мудофаа
ва хавфсизлик муаммолари **18**

Ортиқ МУРОДОВ

Хорижий ҳамкорлар билан мулоқот **22**

Подполковник Фурқат ЭРГАШЕВ

Мудофаа саноати комплекси: илк қадамлар **25**

Инобат ИБРОҲИМОВА

«Бир соатки, тарих бетига «зафар» сўзин
ёзди кўп йирик...» **28**

Камолиддин ХУДОЙНАЗАРОВ

30 июнь – Ёшлар куни **32**

Ш. ТОЛМАСОВ

Глобал тармоқдаги терроризм, экстремизм **34**

П. САЙДИВАЛИЕВ

Туркияда офицер кадрлар тайёрлаш **38**

Гулнора ТУРСУНБОЕВА

Навниҳоллар кўкка бўй чўзмоқда **43**

Аблай КАМАЛОВ

Армейцы готовятся к азиатским
играм в Джакарте **44**

Дилшод АРТИКБАЕВ

Амир Темурнинг муҳандислик санъати **47**

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР

Чандиқлар йўли қатаван жанги **49**

Чори НАСРИДДИНОВ

Миллий менталитет:
шаклланиши ва ўзига хосликлари **53**

Лола ҲОЖИМУРОДОВА

«...Шундайин санъатки, унда ҳаёт акси бор» **56**

ҲАРБИЙ-МАЪМУРИЙ СЕКТОРЛАР: МАҚСАД, РЕЖА ВА ИСТИҚБОЛ



Барчамиз бир фикрни яхши англаб олишимиз керак: эл-юртимизнинг тинчлигини таъминлаш мақсадида бугун мудофаа соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг қанчалик самара бериши армия ва халқнинг бирдамлигига боғлиқ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Давлатимиз раҳбари Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида қилган маърузасида бугунги кунга келиб мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фаоллигини ва ролини ошириш бўйича қилинаётган ишлар сифат жиҳатдан бутунлай янги bosқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Бу йўналишда амалга оширилган энг катта янгилик ҳудудларда «Миллий армиямиз – бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз» тамойили асосида ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар ишининг йўлга қўйилганидир. Мазкур ҳарбий-маъмурий секторларга вилоят ҳокимлари бошчилик қилиши белгиланди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз бўйлаб қилаётган сафарлари давомида бевосита вилоятлардаги ҳарбий-маъмурий секторлар фаолияти билан ҳам яқиндан танишмоқда.

2018 йил, январь


Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифининг иккинчи куни Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда бўлди. Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида берилган вазифалар ижроси билан танишди. Ҳарбийлар билан мулоқот қилди. Учрашувда ҳарбийларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

2018 йил, февраль

Президентимиз Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлди. Ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчиларнинг хизматни намунали ўташлари учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди. Ташриф давомида Мудофаа вазирлиги қўшинларида амалга оширилаётган ислохотлар, Бухоро вилояти ҳарбий-маъмурий сектори фаолияти, вилоятда ҳарбий шаҳарча барпо этиш борасидаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

2018 йил, март

Президентимиз Самарқанд вилоятига ташрифининг иккинчи куни Самарқанд шаҳрида Марказий ҳарбий округ штаби ва Миллий гвардия фаолияти билан танишди. Давлатимиз раҳбарига Самарқанд ҳарбий-маъмурий секторида амалга оширилаётган ишлар ҳақида



маълумот берилди. Ҳарбий хизматчилар билан мулоқот чоғида кўшинларни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва алоқа воситалари билан таъминлаш, юқори малакали офицер кадрларни тайёрлаш ҳамда миллий армиямиз салоҳиятини ошириш, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди.

Ш. Мирзиёев замонавий техника ва қурол-яроғларни кўздан кечирди. Таклиф этилаётган ҳарбий кийимлар билан танишди. Шунингдек, учрашувда ҳарбийлар яшаш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида урғу берилди.

2018 йил, апрель

Президентимиз «Фориш» тоғ-дала-ўқув базасида ҳарбий хизматчиларнинг яшаши, ўқув-жанговар машғулотларини ўтказиш учун яратилган шароитлар билан танишди. Панорамали электрон ўқ отиш тренажери, аскарлар ётоқхонаси, машқ ва саф майдонларини кўздан кечирди. Мазкур тоғ-дала-ўқув базасини намунавий полигонга айлантириш, янги концепция ишлаб чиқиб, мамлакатимиздаги барча ҳарбий дала-ўқув майдонларини модернизация қилиш бўйича топшириқлар берди.

2018 йил, май

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташрифи давомида Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда ҳам бўлди. Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ва янги Мудофаа доктринаси ижроси доирасида амалга оширилган ишлар билан танишди. Ҳарбийлар билан мулоқот қилди. Уларнинг спорт машғулотларида қатнашиш жараёни, китоб ўқиши билан қизиқди.





Мазкур ҳарбий қисмда бир қатор таркибий-ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди – озиқ-овқат таъминоти бўйича аутсорсинг тизими жорий қилинди, ўқув бинолари, ётоқхоналар, спорт зали ва майдонлари замонавий таъмирланди.

Ҳарбийларимиз жисмонан бақувват, маънан юксак, билимли, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардаларимизга муносиб бўлиши керак, деди Президентимиз. Бунинг учун улар жисмоний машғулотлар билан бирга ҳар куни китоб ўқиши, чет тилларини ўрганиши, дунёқарашини кенгайтириши зарур.

Армиямизни моддий жиҳатдан таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширяпмиз, замонавий техника ва аслаҳалар билан жиҳозляпмиз. Аммо шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлигига етарлича эътибор берилмаяпти. Бунинг учун зиёлилар, маънавият ходимлари билан ҳамкорликни кучайтириш лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз мутасаддиларга Андижон вилояти мисолида ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини оширишга доир қарор ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди.

2018 йил, июнь

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифининг иккинчи куни Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда бўлди.

Бу ерда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида берилган вазифалар ижросининг бориши билан танишди, ҳарбий ҳаво десантчилари бригадаси машғулотларини кузатди, аскар ва офицерлар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмда ташкил этилган Маданий ҳордиқ маркази, Маънавият маркази, аутсорсинг тизими жорий этилган ошхонани қўздан кечирди.

– Ватанни севиш – улуғ фазилат. Ёшларимизни ана шундай фазилатли қилиб тарбиялашимиз керак. Бунинг учун сиз каби мағрур, бақувват йигитлар намуна бўлиши зарур. Ёшлар билан тез-тез учрашиб туриш, уларни миллий ифтихор, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш керак, – деди Президент.

Капитан Гулнора ҲОЖИМУРОВОА тайёрлади.
ЎЗА фотосуратларидан фойдаланилди.



УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРГА ТАЯНГАН ҲУЖЖАТ

Ташиқ сиёсатимизнинг мослашувчанлик ва очиқлик принципларига, энг асосийси, қўшни давлатлар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлашдек биз учун устувор бўлган тамойилларга таянган ҳолда, Мудофаа доктринасини сифат жиҳатидан янгиладик. Биринчи марта очиқлик хусусиятига эга бўлган мазкур муҳим ҳужжатнинг моҳияти билан қисқача таништирамиз.

«Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги қонуни 2018 йилнинг 9 январида тасдиқланган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳеч бир давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламайди ва барча мамлакатлар билан муносабатларни мамлакат миллий манфаатларининг устуворлиги асосида ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини инобатга олган ҳолда, ўзаро наф қўриш, тенг ҳуқуқлилик ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч воситалар ва музокаралар йўли билан ҳал қилиш, давлатлараро шаклланган chegarаларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини тан олиш асосида қуради.



II. ДОКТРИНАНИНГ ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Мустақиллик, минтақавий ҳамкорлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлат ҳарбий ташкилотини Ўзбекистонни ҳимоя қилишга шай ҳолатда сақлаш – мудофаа соҳасидаги сиёсатнинг асосий мақсади.

Мудофаа соҳасидаги сиёсат хавфсизликнинг бўлинмаслиги, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базалари ва объектларининг жойлаштирилишига йўл қўймаслик каби принципларга асосланган.

Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларини ҳарбий тажовузни даф этиш, таҳдидларга қарши курашиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўмаклашиш мақсадида қўллаши мумкин.



III. ДОКТРИНАНИНГ ҲАРБИЙ-СТРАТЕГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг бош вазифаларидан биридир ва у эҳтимол тутилган ҳарбий можароларга олдиндан тайёргарлик кўришдан, уларни жиловлаш ҳамда уларнинг олдини олишдан иборатдир.

Қуrolли Кучлар таркибига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари, шунингдек, Миллий гвардия киради.

Давлат ҳарбий ташкилоти стратегик режалаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасида янги механизмларни ишлаб чиқиш, аҳолини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан ривожлантирилади.

Ҳарбий тузилмалар таркибини, қўшинларнинг жанговар, маънавий-маърифий тайёргарлигини такомиллаштириш, ҳарбий таълимни юксалтириш Қуrolли Кучларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидир.



IV. ДОКТРИНАНИНГ ҲАРБИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакат мудофаасини ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан таъминлашнинг мақсади тинчлик ва уруш даврида давлат ҳарбий ташкилотининг Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсатини амалга ошириш учун етарлича молиявий, моддий-техникавий ва бошқа ресурсларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қаноатлантиришдан иборатдир.

Мамлакат мудофаасини ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан таъминлашнинг асосий вазифалари:

ҳарбий ва икки хил мақсадга мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, Қуrolли Кучларни қуrol-яроғ, ҳарбий ҳамда махсус техниканинг модернизация қилинган ва истиқболли намуналари билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий кафолатларини амалга ошириш, ўзаро манфаатли халқаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни амалга оширишдан иборат.

Мудофаа саноати комплексини босқичма-босқич ривожлантириб бориш мамлакат мудофаасининг иқтисодий, технологик ва ҳарбий-техникавий базасининг асосини ташкил этади.

Подполковник Шавкатжон АБДУЛЛАЕВ, Миллий гвардия Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ДОКТРИНАСИДА

АҚШ

<http://russia.bestpravo.com> сайтида келтирилишича, АҚШ ҳарбий доктринаси ядро, кимёвий ва биологик қуrolлар глобал тарқалишининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка таъсири ўсиши билан боғлиқ геостратегик омилга асосланиб, янги ҳарбий стратегия принциплари қуйидагиларда акс этади:

потенциал душманни АҚШ ва унинг дўстлари, иттифоқчиларига нисбатан куч қўллашдан тўхтатиш;

дунёнинг муҳим нуқталарида АҚШ Қуrolли Кучларининг етакчи иштироки;

глобал таҳдид туғилганда зарур бўладиган ҳарбий потенциалнинг асосий элементларини тиклаш;

танглик ҳолатларига жавоб қайтариш.

РОССИЯ

<https://ru.wikipedia> сайтида ёзилишича, 2014 йилнинг 25 декабрида Россияда янги таҳрирда қабул қилинган ҳарбий доктринада Россия учун янги таҳдидлар:

Украина ва унинг атрофидаги вазиятдан;

Африка шимолидаги воқеалардан;

Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги воқеалардан келиб чиқиши белгиланган.

Шунингдек, ташқи таҳдид:

НАТОнинг шарққа томон кенгайиши.

Ички таҳдид:

Ватанни ҳимоя қилишдаги тарихий, маънавий ва ватанпарварлик анъаналарини издан чиқаришга қаратилган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга нисбатан ахборот хуружлари сифатида белгиланган.

Ватан улуғ, бурч муқаддас!



ИННОВАЦИЯ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
қўшинларида 2018/2019 ўқув йили машғулоти
«Жанговар тайёргарликни ташкиллаштиришда инновацион
ёндашув, қўшинларда жанговар имконият сифатини ошириш!»
шиори остида давом этмоқда.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/3707> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3707> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3707>